2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

22 (624)

2008 йил 28 май

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Фуқаро манфаати — давлат ҳимоясида
- Балиқни кўпроқ еган валидолга ҳожат сезмас

3
- "Меҳрибонинг ўзим бўлай, мурғаккинам..."
- Нафақа тўлаш тартиби — қатъий!

4
- Цицерон самоварни кўриб лол қолган...
- Муҳаббат қозонмоқ истаган сахий бўлсин!

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикасида мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғоялари ва бевосита ташаббуси асосида ҳамда раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилаётган, жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган ислоҳотлар ва либераллаштириш жараёни мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Бу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга, шу жумладан, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, шунингдек, асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни либераллаштириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган эди.

2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган мазкур Қонуннинг муболағасиз ғоят катта аҳамияти ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган, қатор илмий ишлар қилинган, конференциялар ва учрашувлар ўтказилган. Бундан мақсад – қонунни қабул қилишда айрим ҳуқуқшуносларнинг жиноий жазолар либераллаштирилиши жиноятчиликка қарши курашишда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ҳамда жиноятларнинг сонини кескин ошириб юбориши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларининг ўринсиз ва асоссизлигини яққол кўрсатишдан иборат эди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан охирги беш йил давомида мамлакатимизда содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг сони йилига ўртача 18 мингтани ташкил қилди. Айни пайтда, биргина 2000 йилда бундай жиноятлар сони 42 фоизга кўп, яъни 31 мингтадан иборат бўлган.

Ярашув институти қоидаларини қўллаш йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2002-2007 йиллар мобайнида жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан 57 минг нафардан ортиқ жиноят содир этган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари кескин камайди. Жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда жиноят содир қилган 31 минг нафардан ортиқ шахс ёки ҳар иккинчи айбланувчи дастлабки тергов даврида қамоққа олиниб, судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2007 йилда фақат 13 минг нафар шахс ёки ҳар бешинчи айбланувчи қамоққа олинган. Судланганларнинг 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Қонуннинг моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабини тушунтириш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлар зарарнинг қопланиш даражасининг жиддий ошишига имкон берди. Охирги беш йил давомида прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 435 млрд. сўмлик зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 78 фоизи айбдорлар томонидан қопланиши таъминланган.

Либераллаштириш сиёсатининг самарадорлиги жиноий жазолар тизимини янада енгиллаштириш мумкинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августида имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йилнинг 8 августида имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлар суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

Қорақалпоғистон Республикаси

ТАХИАТОШДА ЯНГИ КОРХОНА

Оролбўйидаги нурсозлар ва саноат шаҳри номини олган Тахиатошда яна бир янги корхона иш бошлади. Қурилиш-монтаж корхонаси қошида фойдаланишга топширилган мазкур кичик ғишт заводидаги 2 та хумдонда бир йўла 400 минг дона пишиқ ғишт тайёрлаш мумкин.

Айтиш жоизки, шу кунга қадар тахиатошликларнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган ғишт маҳсулотлари Нукус тумани ва Хўжайли шаҳридан келтирилган бўлса, эндиликда мазкур мини-завод маҳаллий аҳолини ғишт билан тўлиқ таъминлай олади.

Айни кунгача корхонага бир миллион дона ғишт учун буюртмалар келиб тушган.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

2008 йил — Ёшлар йили

Тошкент вилояти

Янгийўл туманининг чекка ҳудудида жойлашган Халқобод қўрғони аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида қўрғонда кўплаб маданий-маиший хизмат шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, қўрғонда туман ИИБ паспорт бўлими ҳам ишлаб турибди. Йил бошидан буён бўлим томонидан қўрғоннинг 1200 нафардан ортиқ фуқаросига тегишли тартибда хизмат кўрсатилди. Яқинда ҳудуддаги 24-мактабда балоғат ёшига етган 17 нафар халқободлик ёшларга тантанали тарзда паспорт топширилди.

СУРАТДА: *паспорт бўлими ходими Маҳмуд Акромов ёшларга паспорт топширмоқда.*
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

ЭРТАПИШАР ҒАЛЛАГА ЎРОҚ ТУШДИ

Қашқадарё — республикамизнинг йирик ғаллакор вилоятларидан бири. Воҳа деҳқонлари бу йил ялпи ҳосил хирмонини 800 минг тоннага етказиш, унинг 424 минг тоннасини эса давлатга сотишга қарор қилганлар.

Юксак аҳдни бажариш учун 152 минг гектар суғориладиган, 63 минг гектар лалми майдонларда ғалла экилганди. Сувли майдонларнинг 51 минг гектардан кўпроғини эртапишар, 60 минг гектардан ортиқроғини ўртапишар ва қолган қисмини кечпишар навли ғалла ташкил этади.

Чўл ҳудудларида парваришланган бошоқли дон экинларининг эртапишар навлари тўлиқ пишиб етилиб, уларни ўриб-йиғиб олишга киришилди. Айни кунларда Миришкор, Нишон, Муборак, Косон туманларидаги фермерлар далалари ҳосилдан тозаланиб, саранжомланган дон пешмапеш қабул пунктларига етказиб берилмоқда. Экиндан бўшаган майдонларга иккинчи бор бошоқли донларнинг эртапишар навлари экилаётир.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Андижон вилояти

Вилоят стоматология поликлиникасида ёшлар учун алоҳида хона ташкил этилди. Бу ерда турмуш қуриш ва ҳарбий хизмат ёшидаги йигит-қизларга шифокорлар томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Бунинг учун хона зарур тиббий ускуналар ва дори воситалари билан таъминланган.

ШИФО МАСКАНИДА ЁШЛАР ХОНАСИ

андижонлик ёшларга тиббий хизмат кўрсатишда қулайлик яратмоқда

— Ёшларимизга хизмат кўрсатадиган махсус хона ташкил этиш «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан бири эди, — дейди поликлиника бош шифокори Равшанбек Усмонов. — Икки ҳафтадан буён фаолият кўрсатаётган мазкур хонамизда 20 нафардан ортиқ ёшга тиббий хизмат кўрсатилди. Энг муҳими, бу ер Андижон тиббиёт коллежининг бўлажак тиш техниклари ва ҳамширалари учун ҳам амалиёт базасини ўтайди. Ҳозирда коллеж ўқувчилари поликлиникамизнинг малакали шифокорларидан иш ўрганиб, тажриба орттиришмоқда.

У.САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қашқадарё вилояти

ИМТИЁЗЛИ ИМКОНИЯТ

ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир

Узоқ кутган орзу қалбда томир отиб, япроқ ёйган кун инсон шодликдан дунёга сиғмай кетади гўё. Худди шундай кун Илҳомжон Мирзаев хонадонига қўшалоқ бахт олиб келди. Оилада тўнғич фарзанд дунёга келгани билан дилларга қўнган бахт нашидаси ҳали тарқаб улгурмай яна бир хушхабарни қарши олишди — уларга Қарши шаҳридан икки хонали уй берилди.

Аслида Илҳомжон каби минглаб ёш оилаларнинг бошпанали бўлишдек эзгу ниятлари Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони туфайли рўёбга чиқди. Ушбу Фармонни юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Ундан баҳраманд бўлган Илҳомжон Мирзаев оиласи ҳам кўплар қатори «Ипотекабанк»нинг вилоят филиалидан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, янги уй-жой сотиб олди. Воҳада шу йўналишдаги ишлар айниқса, жорий Ёшлар йилида янада кенг кўлам касб этмоқда.

Айни пайтда республикамиздаги қатор тижорат банклари томонидан уй-жой қуриш, сотиб олиш, таъмирлаш ва бошқа мақсадлар учун имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган ипотека ва истеъмол кредитлари, микрокредитлар ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак бўлаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки бундай кредитлар янги бунёд этилган ёш оиланинг оёққа туриб олиши ҳамда катта ҳаёт сари дадил одимлаши учун яхши имкониятдир.

(Давоми 2-саҳифада)

Хоразм вилояти

ТОЗАБОҒЛИК ТАДБИРКОР

унинг ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино бунёд этилди

ХИВА шаҳридаги Тозабоғ маҳалласи фуқаролар йиғини идораси анча эскиргани боис, уни таъмирлаш, имкон бўлса, қайтадан қуриш лозим эди.

Хайрли ишларга иштиёқманд, саховатпеша инсон Фахриддин Усмонов раҳбарлигидаги "Оригинал Хива" хусусий корхонаси жамоаси бу борада ташаббус кўрсатди. Мазкур корхонанинг ҳомийлиги остида йиғин биноси қайта қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу нафақат маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари, балки барча маҳалладошлар учун қувончли воқеа бўлди.

Ойбиби ИСМОИЛОВА,
Тозабоғ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

"Mahalla" хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

Кегайли мактаблари — янги қиёфада

Кегайли туманидаги 2-сонли ўрта мактабда олиб борилган реконструкция ишлари поёнига етди. 200 ўринга мўлжалланган билим маскани бутунлай янги қиёфага келиши учун жами 139 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Қурилиш-монтаж ишларини сифатли қилиб, энг муҳими, муддатидан олдин ниҳоясига етказишда туман ҳокимлиги, мактаб жамоаси ҳамда ҳудуддаги овул фуқаролар йиғинлари яқиндан кўмаклашди, — дейди реконструкция ишларини бажарган "Навотор—Нукус" хусусий корхонаси раҳбари Раҳим Отабоев.

Айни пайтда туман марказидан анча олисда жойлашган 4 та овул ҳудудидаги умумтаълим мактабларида ҳам реконструкция ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ушбу масканларда бажарилаётган қурилиш-монтаж юмушлари жорий йилнинг август ойига қадар якунланади.

МУХБИРИМИЗ

Сурхондарё вилояти

МАКТАБ КУТУБХОНАСИГА ТУҲФА

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 10 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлди.

Жумладан, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят маркази ва туманлардаги кутубхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, уларда интернет тармоғига уланган Ахборот ресурс марказлари ташкил этилгани қувонарлидир. Қолаверса, ҳозирда жойларда кутубхоналар захирасини бойитишни назарда тутиб, «Мактаб — кутубхона — оила — жамоат ташкилотлари» ҳайрия тадбирлари уюштирилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Термиз шаҳридаги 13-сонли мактабда ҳам бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидаги Ахборот ресурс маркази раҳбарлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда ҳомийлар иштирок этди. Тадбирда ҳомий ташкилотлар томонидан мактаб кутубхонасига 400 донадан зиёд китоблар тўплами, компьютер ва рангли телевизор туҳфа этилди.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари Термиз туманидаги 3-сонли мактаб қошида ташкил этилган Ахборот ресурс марказида ҳам бўлиб, китоблар тўпламини совға қилишди.

Эркин МУҚИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Ғаллага ўроқ тушибди...

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур фармонлар асосида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ишлаб чиқилиб, 2007 йил 11 июлда қабул қилинди.

Ушбу қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун барча ташкилий-тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширишга анча узоқ муддат ажратилди. Бу борада қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикри инобатга олинди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ўлим жазосининг тарафдорлари сезиларли даражада камайиб, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (90 фоиз) давлат раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

2008 йилнинг 1 январидан янги қонунлар кучга кириб, амалиётда қўлланила бошлади. Шунда ҳақли бир савол туғилиши мумкин: ҳозирги кунда мазкур қонунлар қандай ишлаяпти, кутилган натижаларга эришилдими-йўқми?

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ҳозирда қонунлар тўлиқ ҳажмда ишламоқда ва уларни қўллаш борасида деярли муаммолар мавжуд эмас. Масалан, 2008 йилнинг 1-чорагида прокурорларнинг илтимосномалари асосида судлар томонидан 3.272 нафар айбланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди, айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳақидаги 10 та илтимоснома қаноатлантирилди.

Судлар томонидан прокурорларнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги илтимосномаларини рад этиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилишини тасдиқловчи ҳолдир.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни якунланмади. Аксинча, бизнинг олдимизда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб масалалар турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва соддалаштириш, ундаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган қатор янги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бунинг яққол исботидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексининг 332 ва 351-моддаларига киритилган ўзгартишлар жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда дастлабки тергов муддатларини ҳисоблашнинг қатъий тартибини белгилаб берди. Мазкур тартибга кўра, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади, жиноят ишини ажратишда эса бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша иш қўзғатилган пайтдан ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, қонунчиликда илгари мавжуд бўлган ушбу камчилик туфайли терговчилар томонидан самарасиз ўтказиб юборилган тергов муддатини узайтириш йўли билан эмас, балки жиноят ишларини асоссиз бирлаштириш ва ажратиш ҳамда иш юритиш муддатини янги қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳисоблаш орқали тергов муддатини тиклашдан иборат салбий амалиёт вужудга келган эди.

Бундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилиши лозимлиги ҳақидаги норма жиноятларни, жиноят ишининг бир қисмини материал тариқасида ажратиш йўли билан ҳисобдан ёшириш ҳолларига чек қўйди.

Янги киритилган юқоридаги қоидалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ижобий баҳоланди ва тергов ходимларининг масъулиятини оширишга ҳамда жиноят ишларини сансоларликка солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган ўз вақтида кўрилган кескин чора бўлди ҳамда процессуал қонуннинг тўғри қўлланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ҳамда жиноятга тайёргарлик ва унга суиқасд учун жазонинг юқори чегарасини белгилашдан иборат бўлган ўзгартишлар жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бундан буён шундай қилмиш учун суд томонидан тайинланадиган жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим.

Таъкидлаш лозимки, бу мамлакатимизнинг инсонпарварлик ва одиллик ғояларига содиқлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мазкур тузатишлар қабул қилингунга қадар, айрим ҳолларда, жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, жазоларни индивидуаллаштириш қоидаларига риоя қилинмас эди. Тугалланмаган жиноятларнинг хавфи камроқ бўлишига қарамасдан, айбдорларга нисбатан асоссиз оғир жазо тайинлаш ҳоллари учраб турарди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар ва судланганларнинг қариндошларининг асосли эътирозларини келтириб чиқарар эди.

Бундан буён, суд амалиётидан тугалланмаган жиноятлар учун максимал жазо тайинлаш имконияти чиқариб ташланди.

2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан 2008 йил 16 апрелда "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қайд этиш жоизки, ҳукуматимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўрилаётган чоралар, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида охирги йилларда мазкур тоифадаги шахслар ўртасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

Шу билан бирга, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларининг тарбиявий потенциали сусайиши, ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятлар етарли бажарилмаётганлиги, уларга салбий таъсир кўрсатилаётганлиги вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида тилга олинган қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг самарадорлигини ошириш мақсадини кўзлайди ва вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳамда уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жазо чораларини кучайтиришни назарда тутади.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузиш ҳамда вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун мазкур қонун билан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ва Оила кодексига киритилган ўзгартишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан мазкур болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чоралар ўз вақтида кўрилишини таъминлайди.

Миграция жараёнларининг кучайиши муносабати билан одамлар савдоси қамрови тобора кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, ҳозирги вақтда жаҳонда бу жиноятларга қарши курашиш масаласининг долзарблиги ортмоқда. Ўтган йилнинг февраль ойида Вена шаҳрида (Австрия) одамлар савдосига қарши курашиш мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг маълумотларига кўра, ҳар йили 2,7 млн. нафарга яқин шахс бу жиноятнинг қурбони бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади.

Шу муносабат билан республикамизда бу иллатга қарши курашиш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи асосий халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлашнинг фуқаролик аспектлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси, Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишаликда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва унга Якунловчи баённома, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясининг иштирокчиси бўлиб, бу борадаги ишларни давом эттирмоқда.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясини тўлдирувчи, 2000 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган "Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги Баённомада одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш учун бундай савдонинг олдини олишга, бу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни жазолашга ва унинг қурбонларини, шу жумладан, уларнинг халқаро эътироф этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олган кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Одамлар савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур Баённоманинг қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда "одам савдоси" ва "одамлардан фойдаланиш" тушунчалари белгиланган, одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга содиқлигини ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажараётганлигини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Адвокатуранинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги тутган ўрнидан келиб чиқиб, мазкур институтнинг ислоҳ қилиниши суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, адвокатура институтини ислоҳ қилиш жараёни мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларда бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозимлигини, улар, биринчи навбатда, судлов амалиётида конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари кераклигини таъкидлаган эди.

Кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари илк бор мустақил Ўзбекистонда адвокатуранинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратиб, адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони — фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг кафолатларини кучайтириш ва ушбу касбнинг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган навбатдаги муҳим қадамдир.

Фармонда адвокатурани ислоҳ қилишнинг қатор асосий йўналишлари, шу жумладан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги ва шу каби бошқа масалалар кўзда тутилган.

Фармонга асосан тузилаётган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари адвокатлик уюшмасининг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиб, Адвокатлар ассоциациясининг ўрнини эгаллайди. Ушбу нотижорат ташкилот фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада ривожлантириш, адвокатларни касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишга хизмат қилади.

Фармон билан адвокатурага сифат жиҳатидан берилаётган янги мақом, албатта, адвокатларнинг профессионаллиги, компетентлилиги, виждонлилиги ва ҳалоллиги учун жамият олдидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисмини ташкил қилади, холос.

Охирги ярим йил ичида қабул қилинган қонунлар билан қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартишлар киритилди. Ушбу тузатишлар жарима тариқасидаги жиноий жазони мажбурий ундириш ва жазони ижро этиш муассасасини ўзбошимчалик билан тарк этган маҳкумга нисбатан колония турини алмаштириш масалаларини ҳал қилиш тартибларини такомиллаштириш, судловга тегишлилик қоидаларини ўзгартириш, қимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишларга биноан, қимор ўйинларида қонунга хилоф равишда иштирок этиш, бундай ўйинларга вояга етмаганларни жалб этиш, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон, теле-, видеомонитордан фойдаланиш ҳамда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ва Сенатида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарликни белгилаш, хўжалик судларининг қарорларини фуқароларнинг шикоятлари асосида назорат тартибида кўриб чиқишни белгиловчи хўжалик процессуал қонуни нормаларини такомиллаштиришга оид ва бошқа қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Шундай қилиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатимиздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли жабҳалари қамраб олинган. Бунинг сабаби – жамият ва давлатни демократлаштириш жараёни бир соҳа билан чегараланмасдан, кенг қамровли хусусиятга эгалигидадир. Бунда, демократлаштириш деганда, нафақат жавобгарлик чораларини енгиллаштиришни, бирор-бир жараённи соддалаштиришни, балки қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш, уни замон талабларига мувофиқлаштиришни ҳам тушуниш керак.

Ҳамма бир нарсани англаши зарур: амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори.

("Халқ сўзи" газетасининг 2008 йил 27 май сонидан).

2008 йил — Ёшлар йили

Қашқадарё вилояти

ИМТИЁЗЛИ ИМКОНИЯТ

ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборни рақамларда ифодалайдиган бўлсак, унинг салмоғи анча тош босадиган даражада эканига гувоҳ бўламиз. Жумладан, «Асакабанк»нинг вилоят филиалида Президент Фармонини ҳаётга татбиқ этиш ва ёш оилаларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. 2007 йил давомида банк томонидан 31 та ёш оилага 1068000 минг сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Бунинг натижасида қанчадан қанча ёш оилалар ўз уй-жой шароитларини яхшилаб олишга эришдилар. Ёшлар йили муносабати билан ҳамда Юртбошимизнинг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида ёш оилаларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида янада дадил қадамлар ташланяпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан 34 та ёш оилага 852500 минг сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди. Шунингдек, банкка ёш оилаларнинг истеъмол кредити берилишини сўраб қилган мурожаатлари ҳам жавобсиз қолдирилмаяпти. Ўтган йили 16 та ёш оилага уй-жой жиҳозлари сотиб олиш учун 49513 минг сўм миқдорида истеъмол кредити берилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 42377,0 минг сўмни ташкил этиб, ундан фойдаланган ёш оилаларнинг сони 20 тага етди.

Республика Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ёш оилаларга нисбатан турли хил солиқ имтиёзларининг кўзда тутилган ҳам юрт келажаги ҳисобланмиш ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасидаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Масалан, янги Солиқ кодексига асосан жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг шахсий уй-жой ёки кўпқаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммалари, хўжалик субъекти — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағлари солиққа тортилмайди. Хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ёки мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилган.

Ш.ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Вилоятда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш борасида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жойлардаги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан шаҳар ва қишлоқларда янги иш ўринларини яратиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш мақсадида ҳар йили минглаб фуқароларнинг, айниқса, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган ёшлар, хотин-қизларнинг касаначилик билан шуғулланишларига кенг имконият яратиб берилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида 895 нафар фуқаро касаначиликка жалб этилди. Мазкур иш ўринларининг 254 таси йирик саноат корхоналари ёрдамида ташкил этилган бўлса, 315 таси кичик саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Қарши шаҳридаги Наврўз маҳалласида истиқомат қилувчи Р.Нодирова, Г.Бозорова каби фуқаролар касаначиликни йўлга қўйиш ҳисобидан оилавий бюджетини мустаҳкамлаб олишди. Жорий йил вилоятда 3578 нафар йигит-қизни меҳнат шартномаси асосида касаначилик фаолиятига жалб этиш кўзда тутилган.

Юртимизда ёш оилаларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳар бир ёшда фахр-ифтихор туйғусини, ўзига ишонч ва масъулият ҳиссини янада ошириши шубҳасиз.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Олам турфа

ВАЛИДОЛ ЎРНИНИ БАЛИК БОСАДИ

Доимий равишда ёғ кислоталарини истеъмол қилиб бориш юрак фаолиятини яхшилашга ёрдам беради. Бунинг учун эса айниқса, балиқ ва балиқ маҳсулотлари ҳамда денгиз сувўтларини истеъмол қилиш жуда фойдалидир.

Уларнинг таркибидаги омега-3 ёғ кислоталари юрак қон-томир касалликларининг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур ёғ кислотасининг асосий компонентлари сельдь ва тунец, лосось балиқлари танасида кўп миқдорда бўлади. АҚШдаги Канзас юрак институти шифокорлари 32 минг нафар кишининг танасидаги ёғ кислоталарини ўрганиб чиқиб, денгиз сувўтлари ҳам юрак фаолиятини яхшилашга хизмат қилади, деган хулосага келишган.

Шунингдек, мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, мунтазам равишда балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш юрак қон-томир тизими фаолиятидаги салбий ўзгаришларнинг 19-45 фоизга, триглицеридлар миқдорининг эса 20-50 фоизга камайишига сабаб бўлган.

Кардиологларнинг таъкидлашича, соғлом одам ҳар куни 500 миллиграмм, юрак ҳасталигига чалинганлар эса 1 грамм миқдорида омега-3 ёғ кислотасини истеъмол қилиши зарур.

СУВЎТЛАРИДАН — БИОЁНИЛҒИ

Япония ҳукумати яқин йилларда денгиз сувўтларидан биоёнилғи ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Ушбу лойиҳа мамлакат Сув ресурслари бошқармаси томонидан амалга оширилади. Уни бевосита ишлаб чиқиш ва мазкур технологияларни жорий қилиш билан Mitsubishi корпорациясининг илмий-ишлаб чиқариш институти ҳамда Токио ва Киото денгизлари муаммоларини ўрганувчи иккита марказ шуғулланади.

Лойиҳа беш йилга мўлжалланган бўлиб, шу давр мобайнида электр қуввати ишлаб чиқаришни саноатлаштириш учун зарур бўлган технологияларни яратиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирда бу борадаги тадқиқотларни ўтказиш учун 60 миллион иена миқдорида маблағ ажратилган.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Бухоро вилояти

Тарбия борасида боланинг бегонаси бўлмайди

Ўсиб келаётган ёш авлод биз қурмоқчи бўлаётган жамиятнинг, миллатимизнинг келажагини таъминловчи куч экан, жамиятда бола ҳуқуқлари ҳимояси муҳим мазмун-моҳият касб этади. Қолаверса, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали ўзимизнинг фазилатларимизни бойитамиз, болалар олдидаги мажбуриятларимизни англаймиз, миллат ва жамиятга дахлдорлик, масъулият ҳиссини теранроқ тушунамиз.

Шу маънода мамлакатимизда «Болалар фаровонлигини таъминлаш ҳаракат Дастури», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган бу қонуннинг Ёшлар йилида амалиётга киритилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Болажонлик хислати халқимизнинг қон-қонига сингиб кетгани сир эмас. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун яшашни ҳаётининг бош мезони, деб билади. Тарбия борасида эса боланинг бегонаси йўқ. Бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Фарзандларимизнинг камол топишида нафақат ота-она, балки қўни-қўшни, бутун маҳалла аҳли ўзини масъул, деб билади. Халқимизнинг ана шундай ажойиб хислати борлиги боис, юртимизда ҳеч бир бола эътибордан четда қолмаган. Айниқса, етим, ногирон, боқувчисини йўқотган болаларга нисбатан алоҳида эътибор кўрсатилади. Вилоятимизда 32-сон Меҳрибонлик уйи, 4 та махсус мактаб-интернат, 3 та санаторий типидаги даволаш интернати ва битта оилавий Меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ердаги болалар учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Ўтган йили Юртбошимиз ташаббуси билан мазкур муассасалар «ISUZY» маркали автобуслар билан, оилавий Меҳрибонлик уйи эса «Дамас» русумли енгил автомашина билан таъминланди. Бундан ташқари, вилоятдаги барча жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар ушбу муассасаларга доимий моддий-маънавий кўмак кўрсатиб келмоқда. Иқтидорли болалар учун ташкил этилган ижодий кўриктанловлар ғолибларининг 10-15 нафарига Болалар жамғармаси вилоят бўлими томонидан рағбатлантирувчи стипендия берилмоқда. 500-600 нафар ўқувчи эса мунтазам равишда кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминлаб келиняпти. Ўз навбатида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмуриятининг жамғармамиз фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани таҳсинга лойиқ ишдир.

Айни кунларда юртимиз бўйлаб 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилмоқда, болалар учун байрам кечалари ташкил этилмоқда. Байрам кунлари вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ҳам, шунингдек, барча болалар муассасаларида тантаналар бўлиб ўтади. Хусусан, Бухоро шаҳридаги Сомонийлар истироҳат боғида болалар учун катта сайил ўтказилади. «Ҳумо» спорт мажмуасида мактабгача ёшдаги болаларнинг «Соғломжон-полвонжон» спорт ўйинлари ташкил этилиб, унинг иштирокчиларига жамғарманинг диплом ва эсдалик совғалари топширилади.

Ёзги таътил даврида эса болажонларимиз турли ижодий тўгаракларда, спорт майдончаларида ўтказиладиган кўрик-танловлар, фестиваллар, спорт мусобақаларида қатнашадилар. Вилоятдаги оромгоҳларда 16300 нафар бола, жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандларининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган.



Абдулла МУЗАФФАРОВ,
Республика Болалар жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси.

Хоразм вилояти

Тўрт ўғлон тақдири

бунга уларнинг ота-онаси эмас, ёт бўлса-да меҳри дарё кишилар масъул

... Темур ҳар гал ўзига қадрдон бўлиб қолган бу масканга келар экан, кираверишдаги она ҳайкалини кўргач, ўз онасини кўргандай бўлаверади. Меҳрибони бағрига бош қўйиб эркаланганлари, кўчада сал ҳаялласа ёки мактабидан кечикса, йўлига илҳақ бўлганлари ёдига тушади. Бу ерда яхши инсонлардан меҳр кўрганидан кўнгли таскин топади. Шунда ҳам хаёлидан оғир ўйлар кечади: «Менинг-ку отам ҳам, онам ҳам вафот этишганди. Аҳволимдан хабар оладиган қариндошлар ҳам топилмади. Ноилож мени бу ерга келтиришди. Аммо бу ерга келиб билсам, ота-онаси тирик бўла туриб, менинг ҳолимга тушганлар бунчалик кўп экан-а?!.»

Урганчлик Темур Ражабовнинг хаёлига келган бу фикрлар бежиз эмас. Меҳрибонлик уйида тарбия топаётган болалар орасида тирик етимлари ҳам анчагина. Шундай ота-оналар ҳам борки, гулдек фарзандларни дунёга келтирадилар-у, уларни тарбиялаш, вояга етказиш заҳмати ва маъсулиятидан қочиб, жигарбандларини Меҳрибонлик уйига келтиришдан ор қилмайдилар.

Хоразм вилояти Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Вера Борисовна Пак масканда тарбия топаётган тўрт ака-ука тақдири хусусида шундай ҳикоя қилди:

— Ҳонқада яшовчи бир оилада эр-хотин ўзаро келиша олмай, рўзғорини барбод қилди. Эр ўз йўлига, хотин ўз йўлига кетди. Тўрт ўғил фарзанд — Сарвар, Самандар, Сардор, Ахрорлар тирик етим қолишди. Ахир болаларнинг айби нимада? Қариндошлар ўртасида сарсон бўлди бечора болалар. Яхши ҳамки маҳалла-кўй бор экан. Болаларни бизга келтиришди, бағримизга олдик. Ака-укаларнинг тўрталаси ҳам зеҳнли, ақл-идроклы, тартиб-интизомли. Турли маданий-маърифий тадбирларимизда, танловларда фаол қатнашадилар.

Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 140 нафардан ортиқ боланинг тақдири ҳар хил. Маскан ходимлари уларга бирдек меҳр кўрсатиб, мурғак кўнгилларини ўкситмасликка ҳаракат қиладилар. Болажонлар учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Кенг, ёруғ, шинам ётоқхона, ошхона. Ажойиб китобларга, матбуот нашрларига бой кутубхона. Спорт зали, компьютер ва бошқа замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари. Болажонларни тез-тез табиат қўйнига, тарихий шаҳарларга, зиёратгоҳларга саёҳатга олиб чиқишади. Меҳрибонлик уйи ўз автобусига эга. «Маҳалла», «Соғлом авлод», «Меҳр-шафқат» ва «Экосан» жамғармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими идоралари, корхоналар ташкилотлар ушбу масканнинг доимий ҳомийлари ҳисобланади. Қолаверса, ҳудуддаги фермерлар, тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар Меҳрибонлик уйидан ўз ҳимматларини аямайдилар.

— Аввало, ҳар бир бола ўз ота-онаси бағрида ўсиб-унса, қани эди. Лекин наилож, ҳаётнинг турфа синовлари, имтиҳонлари бор. Биз даргоҳимизда ўсиб-улғайган болаларнинг кейинги тақдири билан ҳам қизиқамиз, — дейди В.Б.Пак. — Уларнинг коллежларга, олий ўқув даргоҳларига ўқишга кириши, ишга жойлашиши, ҳатто оила қуришдаги ташвиш ва қувончларига ҳам шерик бўламиз. Бағримизда камол топганларидан кейин улар худди ўз жигаргўшамиздек бизга азиздир, шу боисдан уларнинг тақдирига асло бефарқ эмасмиз. Бу борада бизга маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маслаҳатчилар, фаоллар ҳамиша беминнат ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлагим келади.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Жиззах вилояти

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ҲОЗИР

Вилоят ҳокими ва вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг "Вилоят мактаб ўқувчиларининг 2008 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисида"ги қўшма қарори ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ўзаро ҳамкорликда ушбу қарор ижросини таъминлаш чораларини кўрмоқдалар. Хусусан, айни пайтда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, санитария-эпидемиология маркази мутахассислари оромгоҳларда бўлиб, санитария ҳолатини назорат қилишга киришдилар.

Жорий йилда мазкур қўшма қарорга асосан 17 та оромгоҳда 2960 нафар, мактаблар қошидаги 29 та кундузги оромгоҳларда эса 3860 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Шу кунларда оромгоҳларга олиб борувчи йўллар таъмирдан чиқарилди. Ёзги дам олиш масканлари мутасадди ташкилотлар ва ҳомийлар кўмагида спорт анжомлари, дори-дармон ҳамда санитария-гигиена воситалари билан таъминланиб, кутубхоналар болаларимиз савиясига мос бадиий адабиёт ва қўлланмалар билан бойитилди.

Белгиланган дастур асосида барча оромгоҳларда таътил кунлари маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Хусусан, оромгоҳларда "Ўзбекнаво" бирлашмасининг вилоят бўлими ҳамда вилоят қўғирчоқ театри жамоаларининг чиқишлари ташкиллаштирилади ҳамда халқ дасталари ва ҳаваскорлик тўгараклари иштирокчиларининг концерт дастурлари намойиш қилинади.

Жорий йилда ҳам меҳр ва мурувватга муҳтож оилалар фарзандлари бўлган ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, касаба уюшмалари фаоллари ҳомийлигида махсус мактаб-интернат ўқувчиларидан 60 нафари бепул соғломлаштирилиб, кам таъминланган оилаларнинг 484 нафар фарзандига имтиёзли йўлланмалар берилади. Йил дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 200 нафардан зиёд ногирон ва боқувчисини йўқотган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳам ана шундай имтиёздан фойдаланадилар.

Собиржон МАМАТАЗИЗОВ,
Жиззах вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи.

Фарғона вилояти

Теннисчи болаларга UzGazOilдан туҳфа

Фарғонада бўлиб ўтган теннис бўйича эркаклар ўртасидаги «Челленжер» мусобақаси доирасида ёш спортчиларга ҳам ўз маҳоратини намойиш этиши учун имконият яратилди. Турнирда профессионал теннисчилар билан бир қаторда ёш спортчилар ҳам иштирок этгани боис беллашув катта спорт байрамига айланди. Шунингдек, беллашувларга ташриф буюрган машҳур теннисчилар ёш йигит-қизлар учун «Мастер-класс» сабоқларини ўтказишди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, турнир давомида хайрли тадбирларга ҳам ўрин берилди. Хусусан, UzGazOil компанияси томонидан ёш теннисчиларга спорт анжомлари, кийим-кечаклар совға қилинди.

СУРАТДА: *UzGazOil компанияси туҳфаларидан мамнун ёш теннисчилар.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Бугуннинг гапи

Маълумки, кейинги йилларда давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, пенсионер ва ногиронлар, якка-ёлғиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар, ёш болали оналар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига катта ваколат ва масъулият юклатиляпти. Ижтимоий муҳофаза борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ортиб, такомиллаштирила боргани сайин фуқаролар йиғинларининг фаолият ва масъулият доираси ҳам кенгайиб бормоқда.

Она ва бола ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАДА

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хусусан, бозор иқтисодиёти шароитда оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Фарзандини икки ёшгача парвариш қилаётган оналарга нафақа тайинланиши ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича ишлаб чиқилган ва 2002 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1112-1113 сон билан рўйхатга олинган «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш» ҳамда «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш» Низомларига асосан нафақалар тўланиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда давлат рўйхатидан ўтган 1113-сонли «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга 2008 йил 28 февраль 1113-1 сон билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда давлат рўйхатидан ўтган 1112-сонли «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан нафақа тайинланиши ва тўланиши белгиланган.

Бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга бола парвариши учун тўланадиган нафақани тайинлаш ваколати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши ижтимоий адолат, холислик ва ошкораликни таъминлашга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга болани парвариш қилиш бўйича нафақа маҳалла фуқаролар йиғинининг махсус ваколатли комиссияси томонидан юқорида қайд қилинган Низом асосида тайинланади ва тўланади. Нафақаларни тўлаш республика, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бола икки ёшга етгунга қадар ҳақиқатда унинг парвариши билан банд бўлган шахсларга тайинланади. Болани парвариш қилиш бўйича нафақани тайинлаш учун шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш масалаларини ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия томонидан қабул қилинган қарор асос ҳисобланади.

Нафақа онага ёки унинг ўрнини боқилаётган бошқа шахснинг шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига ёзган аризаси асосида тайинланади. Ариза мазкур шахс доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, болани парвариш қилиш бўйича нафақа оиланинг даромадини ҳисобга олган ҳолда тайинланади. Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган умумий даромадни аниқлашда, болани парвариш қилиш бўйича нафақа сўраб, ариза билан мурожаат қилинган ойдан олдинги ўн икки ой давомидаги барча даромадлар қўшилади ва оила аъзоларининг сонига ҳамда ўн иккига бўлинади. Даромадлар таркибида солиққа тортиладиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа бундан мустасно) ҳамда шахсий ёрдамчи хўжалигидан олинадиган даромадлар ҳисобга олинади.

Бунда ишламаётган оналарга болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлашда оиланинг ушбу нафақага муҳтожлигини аниқловчи мезон — оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлган миқдорда тўғри келадиган умумий даромади ҳисобланади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа корхона ва ташкилотларда ишлаётган оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани икки ёшгача парвариш қилиш бўйича нафақа иш жойининг ўз маблағи ҳисобидан тўланади, яъни Низом талабларига кўра, ушбу нафақани амалга ошириш мулкчиликнинг барча турларидаги корхоналар зиммасига юкланади. Бу ўринда нафақа оиланинг моддий аҳволи, муҳтожлик даражасидан қатъи назар амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда давлат рўйхатидан ўтган 1113-сонли «Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосланилади. Нафақа тайинлаш учун асос бўлиб корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг қарори ҳисобланади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа корхона ва ташкилотларда ишлаётган оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) бу турдаги нафақа корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Айтиш жоизки, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга бола парвариши учун тўланадиган нафақани тайинлаш ваколати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши ижтимоий адолат, холислик ва ошкораликни таъминлашга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Бунда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллилиги таъминланади.

Абдумурод ХУДОЙКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлар мониторинги ва таҳлили бошқармаси бош мутахассиси.

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

КАНАДА:

ВАЗИР ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Канада ташқи ишлар вазири Максим Бернье душанба куни истеъфога чиқди, дея хабар тарқатди AFP ахборот агентлиги.

Мамлакат бош вазири Стивен Харпернинг ушбу вазият юзасидан изоҳ беришича, Бернье давлат сиёсатига доир бўлган мутлақо махфий ҳужжатларнинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлай олмаган ва шу боис, эгаллаб турган лавозимидан воз кечишга мажбур бўлган.

«Бу жуда жиддий хато, — деди бош вазир. — Бернье ўзининг хатосини тушуниб, истеъфога чиқиш учун ариза берди». Бироқ бош вазир Бернье айнан қандай махфий ҳужжатларни қаровсиз қолдиргани ҳақида тўхталмаган.

ХИТОЙ:

ЗИЛЗИЛАДАН ТАЛОФАТ КЎРГАНЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Хитойнинг Сичуань вилоятида сув босиши хавфи бўлган ҳудуддан 130 минг нафар аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди, яна 80 минг нафарга яқин фуқарони эвакуация қилиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Кўрилаётган эҳтиёт чораларига қарамай, Хитойда кетма-кет содир бўлаётган зилзилалардан аҳолига талофат етиши давом этмоқда. Хусусан, кеча куннинг иккинчи ярмида сейсмик хизматлар томонидан Сичуань вилоятида яна икки бор ер силкиниши юз бергани қайд этилган.

Якшанба куни содир бўлган кучли зилзила оқибатида эса 8 нафар киши ҳалок бўлиб, 70 мингта иншоот харобага айланган ва яна 200 мингга яқин бино жиддий зарар кўрган эди.

ТУРКИЯ:

АКУЛАЛАР ОДАМЛАРНИ «ОВЛАМОҚДА»

Туркия ҳукумати Эгей денгизи қирғоқларидаги ўнлаб чўмилиш ҳавзаларини ёпишга мажбур бўлмоқда. Бунга сабаб, сўнгги пайтда мамлакатнинг Бодрум ва Мармарис сайёҳлик ҳудуддидаги чўмилиш ҳавзаларида акулаларнинг одамларга тажовуз қилган ҳолатлари кўпайиб бораётганидир.

Ҳозирда сувга тушиш қатъиян ман қилинганлигини англатиш учун денгиз қирғоғи бўйлаб қизил байроқчалар ўрнатиб чиқиляпти. Мутахассислар эса акулаларнинг соҳилга яқинлашиши сабабларини ўрганишмоқда, дея хабар берди «Маяк» радиостанцияси.

Бундан ташқари, Мексиканинг Тинч океанига туташ соҳилларида ҳам акулаларнинг одамларга ҳужум қилиши ҳолатлари қайд этилган. Ўтган ҳафтада акула ҳужуми оқибатида икки нафар виндсёрфинг (сув спорти тури) ишқибозидан бири ҳалок бўлган, иккинчиси эса бахтли тасодиф туфайлигина тирик қолган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Спортчиларимиз ютуғи

"Chellenger"да кучлилар баҳслашди

Фарғона шаҳридаги "Истиқлол" мажмуасида теннис бўйича анъанавий "Chellenger" халқаро турнири якунланди. Унда мамлакатимиз вакиллари билан бирга Россия, АҚШ, Швейцария, Чехия сингари 24 давлатдан энг кучли ракетка усталари иштирок этди.

Юртбошимиз ташаббуси билан спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор мамлакатимизда кўпгина спорт турлари қатори теннисни ҳам янада оммалашишига хизмат қилмоқда. Шу боис, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоялашга қодир кўплаб теннисчилар етишиб чиқмоқда, юртимизда спортнинг ушбу тури бўйича нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилмоқда.

Ушбу турнирнинг айнан Фарғона вилоятида ўтказиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Айни пайтда вилоятда бундай нуфузли халқаро мусобақаларни ўтказиш учун етарли шарт-шароит яратилган. Халқаро анъанавий теннис мусобақалари таснифига кирган мазкур "Chellenjer" турнири вилоятда бу йил 14-маротаба ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, теннисчиларнинг бу турнирда эришган ютуқлари рейтинг кўрсаткичларига таъсир этади.

Бу йилги беллашувлар ҳам ғоят кескин ва муросасиз ўтди. Саралаш ўйинларида ҳамюртларимиз Сарвар Икромов ҳамда Важа Узоқов юксак маҳоратини намойиш этиб, мухлис ва мутахассислар эътиборини қозонди. Халқаро турнир якуний натижаларига кўра, чехиялик ракетка устаси Павел Шинобел ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

СУРАТДА: *жуфтлик ўйинлари совриндорлари ҳамюртимиз Важа Узоқов (ўнгда) ва москвалик спортчи Александр Краснорудскийни беллашув супервайзери Педро Браво қутламоқда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент тарихини ўрганамиз

ЎҚЧИНИНГ ЎҚЧИЛАРИ

маҳалланинг номига асос солганлар

Нўғойқўрғон — пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган қадимий маҳалла. Унинг тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд. XIX асрнинг 20-йилларида чор ҳукуматининг узоқ муддатли ҳарбий хизматидан қочган татар йигитлари Тошкент хони Азизбекдан Карамишев фамилияли тилмоч орқали паноҳ сўрайдилар.

Хон уларнинг илтимосини ерда қолдирмайди — Салор ариғининг чап қирғоғида жойлашган Қуғайиттепа ҳудудини инъом қилади. Бу илтифотдан бошлари кўкка етган йигитлар Мулла Вали бошчилигида ҳозирги Нўғойқўрғон маҳалласига асос соладилар. Маҳалла аҳли меҳнаткаш бўлиб, асосан деҳқончилик билан шуғулланишган. Улар картошка, помидор каби сабзавотларни биринчи бўлиб Тошкент бозорларига олиб чиқишган экан.

Нўғойқўрғон жўғрофий жойлашиши жиҳатидан шаҳар ташқарисидаги (кейинчалик шаҳар ҳудудига қўшилиб кетган) кичкина қишлоқ бўлиб, бу ердаги уйлар асосан пахсадан қурилган. Аҳоли уйлар атрофидаги ерлардан унумли фойдаланишган, ҳовлилар четига турли мевали дарахтларни экишган. 1832 йили қишлоққа Сибирь ва Оренбург ўлкаларидан кўплаб татар оилалари кўчиб келганлиги натижасида маҳаллада аҳоли сони анча ўсди. Ўзбекистон Республикаси Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлардаги маълумотларга қараганда, 1868 йилда қишлоқда 25 та хонадон мавжуд бўлган. 1868 йилда рўй берган зилзила оқибатида Нўғойқўрғондаги гуваладан қурилган уйларнинг бир нечтаси вайрон бўлган.

Ўқчи — Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган маҳаллалардан бири. Ўтмишда бу ерда камон ўқи ясайдиган усталар яшаганлиги туфайли маҳалла шундай аталган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, XVI асрда маҳалла усталари томонидан ясалган камон ҳамда патли ва патсиз камон ўқларининг довруғи қўшни вилоятларга ҳам тарқалган. Айниқса, камони Чочи — Тошкент камони пишиқ-пухта ишланганлиги билан машҳур бўлган. Ўқчи маҳалласи ёнида Мерганча (мерганчи) маҳалласи ҳам бор. Камон ва камон ўқи ясайдиган ҳунарманд усталар билан овчи мерганларнинг қўшни яшаганлиги ҳам тарихнинг ажиб синоатларидан бири бўлса, ажабмас.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ўзингизга хос бўлган қарашларингизни яқин инсонингизга ошкора тарзда билдиринг. Дўстларингизнинг ўзаро низоларини ҳал этишда асосий роль ўйнашингиз мумкин.

СИГИР(22.04-20.05)

Мазкур бурж вакилларидан ҳар бир ишда қатъиятли бўлиш талаб этилади. Сизга ғамхўрлик кўрсатаётган инсонларга нисбатан қўпол муомалада бўлманг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Айни кунларда сизни баҳс-мунозарали учрашувлар кутмоқда. Ҳар қандай қийин вазиятдан ҳам сабр-тоқат ва босиқлик билан чиқиб кетишга одатланинг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда кутилмаган янгиликлардан саросимага тушманг. Ҳафта сўнгида сиз орзиқиб кутган инсоннинг мароқли суҳбатидан баҳраманд бўласиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Турли тадбир ва маросимлар сизни тушкун кайфиятдан олиб чиқади. Ҳар хил ўй-ҳаёллар қуршовидан иложи борича йироқда бўлишга ҳаракат қилинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Дўст танлаш бобида адашманг. Шахсий ҳаётингизни йўлга қўйишнинг ҳам пайти келди. Фаолиятингиздаги бу галги таваккалчилик сизга панд бериши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни пайтда ҳамкасблар яқинларингиздан кўра кўпроқ дардингизга шерик бўла олади. Ҳар қандай муросали масалалар ечимида ўзбошимчалик билан иш тутманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Сизни ташвишга солаётган муаммолар барҳам топиб, руҳингизда кўтаринки кайфият пайдо бўлади. Режалаштирган юмушларингизга бемалол қўл уришингиз мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Сир-асрорларингизни ҳар кимга ҳам сўзлайверманг. Чоршанбада азиз инсонингиз билан зиддиятли вазиятлар келиб чиқмаслиги учун жиддий бўлишга ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда турли танишув ва учрашувлар сабабли ҳар доимги осуда ва зерикарли ҳаётингиз мазмунли ўтади. Оила сиз учун иккинчи даражада бўлиб қолмаслиги лозим.

КОВҒА (20.01-18.02)

Баъзи муаммоларингизнинг сабабчиси бўлган инсон, айни пайтда сизни мушкул аҳволдан олиб чиқиши мумкин. Якшанбада барча юмушларни четга суриб, маданий хордиқ чиқаринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ҳафта давомида молиявий томондан бироз қийинчиликларга дуч келасиз. Дўстларингизнинг маслаҳатларини тўғри қабул қилиб, ортиқча қайсарлик қилманг.

Конун кучи — устувор

Ҳаром луқма ҳалқумдан ўтмади

қинғир ишга қўл урганлар тегишли жазосини олиши тайин

...Дилшод икки қоп елим идишни елкасига ортмоқлаб тўғри боғ четидаги ҳужра томон юрди. Идишларни бирма-бир пахта ёғи билан тўлдирди. Кейин уларни дарвоза олдига ташиб чиқди-да, қўл телефонини олиб таниш рақамларни терди:

— Келаверсанг ҳам бўлади. Ҳаммаси тайёр.

Зум ўтмай дарвоза олдига «Дамас» русумли автомашина келиб тўхтади. «Шоввозлар» идишларни чаққонлик билан машинага ортиб, қайдасан Қозоқ бозори (вилоятдаги шундай аталувчи бозор), деб йўлга тушишди. Дилшод яқин ўртада қўлига тушадиган мўмай фойдани ўйлаб, юраги ҳапқирарди. Лекин унинг орзуси хомхаёллигича қолди. Чунки машина ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилганда, йўловчиларнинг безовталиги уларда шубҳа уйғотди. Безовталикнинг сабаби ноқонуний ишлаб чиқарилиб, сотиш учун олиб кетилаётган 403,5 литр пахта ёғи экан. Учар ишбилармонлар ёғнинг ҳар бир литрини 2500 сўмдан пуллашни мўлжаллашган экан. Дастлабки тергов-суриштирув жараёнида Ҳазорасп туманининг Овшар қишлоғида яшовчи Дилшод Собиров ўз хонадонида қўлбола усулда ёғ ишлаб чиқариши аниқланди. Унинг «корхона»сидан ёғ ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мойжуворз ва бошқа ускуналар далилий ашё сифатида олинди. Дилшоднинг ноқонуний фаолиятига шерик бўлган, яъни тайёр маҳсулотни сотишда ёрдам берган С.Собировга ҳам қонунда кўзда тутилган тартибда тегишли чора кўрилди.

Афсуски, пул дардида ўзини минг бир кўйга солувчи кимса биргина Дилшод Собиров эмас экан. Ҳазорасп тумани Хива номли кўчанинг 44-хонадонида истиқомат қилувчи Матниёз Жуманиёзов ҳам ўз хатти-ҳаракатлари билан шундай кимсалар тоифасидан эканини кўрсатди. У ўз бошқарувидаги «Камаз» русумли юк машинасида 216 литр миқдордаги этил спиртини Тошкент шаҳридан арзон баҳога сотиб олиб, қимматроққа пуллаш учун олиб кетаётганда қўлга тушди.

Шунингдек, Урганч шаҳар Термиз кўчаси 1-йўлак 38-уйда яшовчи Қувондиқ Душанов ҳам дўсти А.Шержоновга тегишли «Тико» русумли автомашинада 210 шиша қалбаки акциз маркали «Урганч ароғи»ни сотиш учун олиб кетаётганда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди. Аниқланишича, ушбу ароқ маҳсулотлари истеъмолга бутунлай яроқсиз экан.

Халқимизда ҳақ ишни халқ қўллар, деган пурмаъно ибора бор. Фақат ўз ҳамёнини ўйлайдиган кимсаларни эса халқ ҳам, қонун ҳам қўлламайди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси томонидан олиб борилаётган текширишлар давомида сохта тадбиркорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилиб, улар тегишли тартибда жавобгарликка тортилмоқда.

Бахтиёр ЖУМАНИЁЗОВ, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Хоразм вилояти бошқармаси матбуот гуруҳи ходими; Абдулла САФОЕВ, «Mahalla» мухбири.



Юртимизнинг сўлим гўшалари ором олишга чорлайди...

М.НУРИНБОЕВ олган суратлар.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

«... Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи кўлланилади...»

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасидан.

Билиб қўйган яхши

100 ДОНА АРПА – БИР МИСҚОЛГА ТЕНГ(МИ?)

ШАРҚ тилларида битилган луғатларда келтирилган маълумотларга қараганда, қадимда оғирлик ўлчов бирлигини белгилашда бошоқли экинлар дони ёки мева данакларидан фойдаланилган. Масалан, ҳижрий 1321 йил (1903-1904 й.й.) Истамбулда чоп этилган «Ахтори кабир» номли арабча-туркча луғатда қайд этилишича, шарқ халқларининг энг кичик оғирлик ўлчови саналган мисқол 20 қиротга тенг экан. Бир қирот эса 5 дона арпа донининг оғирлигига тенг бўлган. Демак, 100 дона арпа оғирлиги бир мисқолга тенг.

Шарқда энг кичик оғирлик ўлчови сифатида мисқол, энг катта оғирлик ўлчови сифатида эса ботмон атамалари қўлланилган. Бироқ турли даврларда мисқол ва ботмон турлича оғирликни билдирган. Хусусан, XV-XVIII асрларда Зарафшон водийсида, яъни ҳозирги Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бир мисқол 4,8 граммга тенг бўлган. Самарқанднинг кичик ботмони минг мисқолга, яъни 4800 граммга ёки 4,8 килограммга тенг бўлган.

САМОВАРНИНГ «АЖДОДИ»

ШУ пайтга қадар самовар дастлаб ураллик рус усталари томонидан ясалган, деган қараш мавжуд эди. Аммо тарихий манбаларда рус самоварларидан бир неча юз йиллар муқаддам ҳам одамлар самовар вазифасини ўтовчи мосламалар яратиб, улардан фойдалангани ҳақидаги маълумотлар мавжуд экан. Милоддан аввалги 106-43 йилларда яшаган машҳур нотиқ ва сиёсат арбоби Марк Цицерон римлик Хрисогон исмли амалдор ҳақида шундай ёзади: «Унинг уйида усталар ясаган жуда кўп идиш бор. Лекин автопесаси (самовари) эса улар орасида энг нодиридир».

Италиянинг Помпей шаҳрида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида кўзага ўхшаш шаклдаги самовар топилди. Унинг ичидаги варонкасимон мосламанинг ингичка томони идишнинг ёнидан чиқиб турган ва шу жойдан ўт ёқилган. Қизиғи, ушбу самовар жўмраксиз, ўтхонаси эса идишнинг асосий танасига қўшиб ишланган. Бу жиҳатдан у ҳозирги самоварлардан афзалдир. Негаки, олов ёнганда ўтхонага унчалик зарар етмайди, қолаверса, иссиқлик беҳуда кетмай, ҳаммаси сувни иситиш учун сарфланади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳри

Эҳтиёткорлик — шарт!

ТАМАКИДАН ЗАВОЛ ТОПГАН УМРЛАР

Жорий йилнинг 11 май куни ўт ўчириш бўлимига Ҳамза тумани Лисунова 1-«А» даҳасида жойлашган 58-уй 78-хонадонда ёнғин содир бўлаётганлиги ҳақида хабар келиб тушгач, ўт ўчирувчилар зудлик билан воқеа жойига етиб боришди. Аланга домида қолган хонадонда уй эгаси беҳуш ҳолда ётарди. Қўрилган тезкор чоратадбирларга қарамай, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Заҳарли тутун ўз кучини кўрсатган эди. Ҳодиса сабаблари ўрганиб чиқилганда, фалокат сигаретадан келиб чиққани маълум бўлди.

Таҳлиллар ёнғинларнинг қарийб 40 фоизи фуқароларнинг олов билан фойдаланишдаги эҳтиётсизлиги оқибатида юз беришини кўрсатади. Сигареталар билан боғлиқ ёнғинлар ҳам шундай ёнғинлар тоифасига киради. Инсон чекиш орқали нафақат ўз соғлигига путур етказади, балки яна қатор аянчли ҳолатларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Ўт олдирилган гугурт ёки сигарета қолдиғини ёнувчи, тез аланга оладиган буюмлар, хас-хашаклар устига ташлаш нохуш оқибатларга олиб келади.

Сигарета билан боғлиқ ёнғинларга асосан фуқароларнинг маст ҳолатда ўринда ётиб чекиши сабаб бўлади. Маълумки, маст одам ўзини назорат қила олмайди, тезда пинакка кетади. Қўлидаги сигарета эса гилам ёки кўрпа устига тушиб, тутай бошлайди. Энг ачинарлиси, бундай ҳолатларнинг аксарияти фожиа билан тугайди. Кўпинча инсонлар алангадан эмас, гилам ёки бошқа уй жиҳозларининг ёниши жараёнида чиққан заҳарли тутундан заҳарланиб ҳалок бўлишади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ҳамза тумани ҳудудида 47 та ёнғин содир бўлди. Бунинг оқибатида 4 нафар фуқаро ҳалок бўлди, яна 4 нафари эса турли даражадаги куйиш жароҳатини олди. Бундай мисоллар ҳар биримизни ҳушёрликка, эҳтиёткорликка ундаши лозим.

Анвар ЗИЯБЕКОВ, Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ 15-ХЁХК инспектори, катта лейтенант.

Донолларнинг дурдона фикрлари

Киши ўз молидан қанча фойдаланса — ўзиники; қанча асраса ўзганикидир. Заҳмат билан топганингни ўзингдан аяма; дўстлар билан меҳнат қилиб топганингни душманлар учун асрама.

Алишер НАВОИЙ

Эшитиш қобилияти инсонни барча сезгилардан кўра осонроқ чалғитиб, тезроқ ҳаяжонга солади ва ақл-идрок билан мулоҳаза юритиш қобилиятидан маҳрум этади.

ПЛУТАРХ

Бошқаларсиз яшай оламан дегувчилар катта хатога йўл қўядилар. Лекин менсиз ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди дегувчилар ундан ҳам кўпроқ адашадилар.

Франсуа де ЛАРОШФУКО

Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл. Саховат сени севикли қилади. Бахил, нокас, олчоқ — тубан киши. У ўз молининг посбонидир: бойлик йиғиб, уни емай, ичмай сақлайди.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Ишонч беғамликка айланмаслиги учун енгил ишга ҳам оғир иш деб қара. Ишончсизлик кўрқоқликка айланмаслиги учун эса мушкул ишга енгил иш деб қара.

Балтасар ГРАСИАН

Б.КАЛОНОВ чизган расмлар.

«SANTANA-SERVIS-BIZNES» МЧЖ (ИНН 206038796, ОКОНХ: 61110) тугатилади. Тошкент.ш. С.Раҳимов тумани Ўрозбоев кўчаси 68/21. Даъволар 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

ДП LATSARA — IMPEX (ИНН 205977373, ОКПО 20540388) Сырдарьинского р-на зарегистрированный Сырдарьинским хакимиятом ликвидируется. Претензии принимаются в течении одного месяца со дня публикации по адресу: Сырдарьинский р-н, г. Бахт, ул. Ш.Рашидова 46.

"Маҳалла" жамғармаси Навоий вилояти бўлими жамғарманинг Томди тумани бўлинмаси раиси Сапарбай Изтелеуовга отаси **Жайлибай ИЗТЕЛЕУОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳих: Шаҳноза Абдувалиева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 28 май 22 (624)

17659 нусхада чоп этилди 1 2 3 4 Буюртма Г-420 Топширилди — 21.50